

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ САЙЛОВНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида ўтказилган брифингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижалари тўғрисида маълумот берилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов 2016 йилнинг 4 декабрь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови миллий сайлов қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқнинг умумий тироф этилган демократик принциплари асосида очик ва ошқора ўтказилганини таъкидлади.

— Президент сайловининг тарихий ва сиёсий аҳамиятини чуқур тушушдан қўпмиллатли Ўзбекистон халқи яна бир бор ўзининг Ватанимиз тақдирига дахлдорлик туйғусини, граждонлик позициясини намойиш этиб, овоз

беришда юксак сиёсий фаоллик билан иштирок этди, — деди Марказий сайлов комиссияси раиси.

Сайловчилар рўйхатига киритилган 20 миллион 461 минг 805 нафар сайловчининг 17 миллион 951 минг 667 нафари овоз беришда иштирок этди. Бу сайловчилар умумий сонининг 87,73 фоизини ташкил этади. **“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”** ги Қонуннинг 35-моддасига мувофиқ бу Президент сайлови ўтганлигидан далолат беради.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш жараёнини бешта халқаро ташкилот — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстли-

ги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислон ҳамкорлик ташкилоти, шунингдек, 46 давлатдан 600 га яқин кузатувчи кузатиб борди.

Сайловда иштирок этган тўртта сиёсий партиянинг 37 мингдан зиёд вакили ҳам овоз бериш ҳамда овозларни санаб чиқиш жараёнини кузатиб борди. Сайлов комиссиялари томонидан уларнинг фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароит яратиб берилди.

Сайлов жараёнини мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 1 минг 400 нафардан зиёд вакили кенг ёритмоқда.

Овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнида сайловга оид қонун ҳужжатлари талаблари бузилгани ҳақида Марказий

сайлов комиссиясига сайловчилар, сиёсий партиялар кузатувчилари, халқаро ва хорижий кузатувчилардан мурожаатлар келиб тушмаган.

Марказий сайлов комиссияси раиси 4 декабрь кuni овоз бериш якунланган, сайлов участкаларида Президентликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг кузатувчилари, халқаро кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари кузатувчи остида ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозларни алоҳида-алоҳида санаб чиқиш ишлари бошланиб, бу жараён охирига етгунигача қадар танаффуссиз давом эттирилганини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижаларига кўра, Сарвар Садуллаевич Отамуратовга 421

минг 55 нафар ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 2,35 фоизи, Шавкат Миромонович Мирзиёевга 15 миллион 906 минг 724 фуқаро ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 3,73 фоизи, Наримон Мажидович Умаровга 619 минг 972 фуқаро ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 3,46 фоизи овоз берган.

Шундай қилиб, 2016 йил 4 декабрь кuni ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Шавкат Мирзиёев галаба қозонди.

Брифингда айна пайтда Марказий сайлов комиссияси округ

сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган протокол ва бошқа ҳужжатларни қўриб чиқаётгани маълум қилинди. “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида” ги Қонунга мувофиқ, ушбу ҳужжатлар, зарур бўлса, айрим участка сайлов комиссиялари материалларини Марказий сайлов комиссияси яна бир марта синчиклаб текширади ва шундан сўнг сайлов натижаси бўйича қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари тўғрисидаги ахборот сайловдан кейин ўн кундан кечиктирилмай, яъни 2016 йил 14 декабрда Марказий сайлов комиссияси томонидан матбуотда эълон қилинади.

Бехзод БОЗОРОВ,
ЎЗА муҳбири

ХАЛҚ ИШОНЧИ — ОЛИЙ БАХТ

2016 йил 9 сентябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-, 117-моддалари, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида» ги қонуннинг 5- ва 9-моддаларига мувофиқ 2016 йил 4 декабрь Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кuni, деб белгиланган эди.

Шу кундан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари тузилди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Сарвар Садуллаевич Отамуратов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Шавкат Миромонович Мирзиёев, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Хатамжон Абдурахмонович Кетмонов, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Наримон Мажидович Умаров Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар этиб рўйхатга олинди.

Сайловолди ташвиқоти даврида барча номзодларга тенг шароитлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун 9 минг 383, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий ваколатхоналари ҳузурида 44 сайлов участкаси тузилди. Сиёсий тадбирга ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техник жиҳатдан юксак даражада тайёргарлик қўриш, уни миллий сайлов қонунчилигига мувофиқлаштириш бўйича демократик принципларга тўлиқ мувофиқ ҳолда, очик-ошқора ва адолатли ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Жисмоний имконияти чекланган фуқароларнинг овоз беришда иштирок этиши учун қулайликлар яратиш мақсадида сайлов участкаларида пандуслар ўрнатилди, кабиначалардан бири ногиронлар учун ҳозирлаб қўйилди. Брайль алифбосида кўзи ожиз сайловчиларга мўлжалланган сайловга оид турли рисолалар тайёрланди, илк марта улар учун махсус сайлов бюллетенлари чоп этилди.

Ушбу чора-тадбирлар натижасида 4 декабрь кuni



Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юқори савияда, халқаро талаблар даражасида ўтказилди. 5 декабрь кuni пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Президент сайловининг дастлабки натижаларига бағишланган тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда ЎзЛиДеП фаоллари, тадбиркорлар ва ишбилармонлар, турли соҳа вакиллари, санъат ва маданият намояндалари, кенг жамоатчилик иштирок этди.

Йигилганлар Президент сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказига онлайн тарзида боғланиб, сайловнинг дастлабки натижаларини кузатиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Шавкат Миромонович Мирзиёев 15 миллион 906 минг 724 овоз, яъни сайловда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 88,61 фоиз овози билан галаба қозонгани ҳақидаги хабар йигилганлар томонидан гулдўрс қарсақлар билан қутиб олинди.

Шавкат Мирзиёев тадбирда сўзга чиқиб, ўзига билдирилган юксак ишонч учун бутун халқимизга миннатдорлик билдирди. Биринчи Президентимиз Ислон Каримов раҳнаомлигида ўтган 25 йилда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида беқиёс ўзгаришлар амалга оширилгани, миллий давлатчилигимизнинг мустахкам асослари яратилиб, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаро-

лик жамияти шакллантирилгани, бозор иқтисодиёти таъминоти ривожлантирилганини таъкидлади. Бундай кенг кўламли ишларни изчил давом эттириш барчамизнинг, бутун халқимизнинг энг асосий мақсади, бурчидир. Зеро, Ватан раънақи, юрт келажиги, халқ фаровонлиги мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош ғоясидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиб борган бешта халқаро ташкилот — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислон ҳамкорлик ташкилотидан, 46 давлатдан келган 600 га яқин кузатувчилар ҳам самимий миннатдорлик билдирди.

Сайловда халқимиз мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик барқарор бўлиши, халқимизнинг турмуш фаровонлиги янада юксалиши, давлатимизнинг халқаро микёсдаги нуфузини мустахкамлаш, ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши учун овоз берди. Ҳар бир сайловчи ўз оиласи, фарзандлари бахту қамолли, ёруғ келажиги учун овоз берди.

Энг муҳими, халқимиз ушбу сайлов орқали дунё ҳамжамияти олдига жуда муҳим, масъулиятли синондан муваффақиятли ўтди. Биринчи Президентимиз илгари сурган ғояларга содиқлигини, ўзаро аҳил, ҳамжиҳатлигини, Ватан тақди-

ри, халқимиз келажиги учун бефарқ эмаслигини, улуг мақсадлар йўлида ақдқиллик билан ҳаракат қилишини ва улкан натижаларга эриша олишини яна бир бор намойён қилди. Буни дунёнинг турли минтақаларидан, нуфузли халқаро ташкилотлардан келган кузатувчилар ҳам эътироф этди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларидан кўп минг сонли одамлар иштирок этди. Қорақалпоғистон Республикасидан меҳнат фахрийси Қ.Қамоллов, Бухоро вилоятидаги “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” корхонаси муҳандис-технологи Х.Латипов, Навоий конметаллургия қосбинати “Навоий машинасозлик заводи” ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Н.Лаққай, Қарши шаҳридаги “Хонтепа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Р.Зоҳидов, Фарғона вилояти Олтириқ туманидаги “Нурли обод” фермер хўжалиги раҳбари Л.Муродов, “Давсухўжаликназорат” давлат инспекциясининг Хоразм вилояти бўйича инспектори К.Ортиқов, Тошкент вилоятдан меҳнат фахрийси Д.Ғуломов ва бошқалар Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани билан самимий табриклаб, Ватан ва халқ манфаати йўлидаги эзгу ишларида муваффақиятлар тилади.

Тадбирда Ватан, мустақиллик, бахт ҳақидаги қўшиқлар янгради.

ЎЗА

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР МИССИЯЛАРИ ЎЗ ХУЛОСАЛАРИНИ БАЁН ҚИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиб борган халқаро ташкилотлар миссияларининг якуний матбуот анжуманлари бўлиб ўтди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилари миссияси матбуот анжуманида миссия раҳбари, ШХТ Бош қотиби Рашид Алимов миссиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижаларига бағишланган баёнотини ўқиб эшиттирди.

Р.Алимов ташкилот кузатувчилари сайлов кампаниясининг бориши, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури ижроси билан танишганини таъкидлади. Миссияга Президентликка номзодлар ва уларнинг сайловолди дастурлари ҳақида тўлиқ ахборот тақдим этилди.

Миссия баёнотида Президентликка номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг имкониятлар берилгани, сайловолди ташвиқоти олиб боришда қонунни бузиш ҳолатлари аниқланмагани қайд этилган.

Овоз бериш жараёни ва сайлов якунларини сарҳисоб қилишни ҳолис баҳолаш мақсадида миссия участка сайлов комиссияларининг фаолияти билан ҳам танишди. Ўз фаолияти давомида миссия 13 сайлов округида 235 сайлов участкасида бўлди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Марказий сайлов комиссияси раҳбарияти, турли даражадаги сайлов комиссиялари аъзолари, сайловчилар, маҳаллий кузатувчилар, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар кузатувчилари миссиялари аъзолари билан учрашувлар ўтказди.

ШХТ кузатувчилари миссияси баёнотида сайлов қонунчилигини тақомиллаштириш ва либераллаштириш борасида амалга оширилган сўнгги йиллардаги ислохотлар юқори баҳоланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бағишланган материалларнинг ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, рус, тожик тилларида тарқатилгани, оммавий ахборот воситалари орқали 15 тилда чоп этилганига эътибор қаратилди.

Миссия овоз бериш кuni ёшларнинг юқори фаоллигини, шунингдек, сайловда биринчи марта иштирок этаётган ёш авлод вакилларида участка сайлов комиссиялари томонидан алоҳида эътибор кўрсатилганини қайд этди.

Миссия кузатув якунлари бўйича Президент сайлови Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги, Марказий сайлов комиссиясининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва Ўзбекистон ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларга тўла мувофиқ ҳолда, очик ҳамда демократик вазиятда ўтгани таъкидланди.

Миллий сайлов қонунчилиги меъёрига зид келадиган қонунбузилиш ҳолатлари миссия томонидан қайд этилмади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчилари миссиясининг матбуот анжуманини МДХ Ижроия қўмитаси раиси — ихроқи қотиби Сергей Лебедев бошқарди.

С.Лебедев Ўзбекистон миллий сайлов қонунчилигига кейинги йилларда киритилган ўзгаришлар уни янада тақомиллаштирилганини таъкидлади.

— Биз сайлов жараёнини эркин кузатишимиз учун барча шароит яратиб берилди, — деди Сергей Лебедев. — Сайлов комиссиялари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари билан учрашдик, фуқаролар, сиёсий партиялар кузатувчилари билан суҳбатлашдик. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида бўлиб, жойларда сайловга тайёргарлик ишлари билан танишдик, овоз бериш жараёнини кузатдик. Сайлов юксак савияда таш-

кил этилганига гувоҳ бўлдик. Сиёсий партиялар кузатувчилари ва халқаро экспертлар билан фикр алмашиб, сайлов очик ва ошқора ўтгани ҳақида яқдил хулосага келдик.

Миссия вакиллари таъкидлашча, Марказий сайлов комиссияси томонидан қисқа муддатда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилган. Бунда миллий сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгариш ва қўшимчалар, оммавий ахборот воситалари билан ишлаш янада тақомиллашгани алоҳида қайд этилди. Округ сайлов комиссиялари матбуот марказлари, мамлакат сайлов амалиётида биринчи марта “Press klub: Saylov.uz — 2016” пресс-клуби фаолиятининг йўлга қўйилгани, МДХ кузатувчилари фикрича, бошқа мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

МДХ кузатувчиларида ёши улуг кишилар билан бир қаторда ёшлар ҳам сайловда бирдай фаоллик кўрсатгани катта таассурот қолдирди. Айниқса, илк бор овоз берган 550 мингдан зиёд йигит-қизнинг сайловчилар рўйхатида алоҳида қайд қилинганлиги диққатга сазовор. Сайлов участкаларига кела олмаганларнинг овоз бериши ва муддатидан олдин овоз бериш учун яратилган шароитлар юксак даражада ташкил этилди.

Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси кузатувчилари миссиясининг матбуот анжуманини миссия раҳбари, ассоциация Бош қотиби Ким Ён Хи бошқарди.

4 декабрь — сайлов кuni миссия вакиллари Тошкент ва Бухоро шаҳарларидаги сайлов участкаларида бўлиб, овоз бериш ҳамда уларни санаб чиқиш жараёнини кузатгани таъкидланди. Миссия раҳбарининг фикрича, сайлов юксак ташкилий даражада ўтди, сайловчилар овоз беришда фаол иштирок этди, овозларни санаб чиқиш жараёни очик ва ошқора амалга оширилди.

— Кузатув давомида сайлов қонунчилиги бузилганига гувоҳ бўлмадик, — деди Ким Ён Хи. — Сайлов участкаларида овоз бериш учун барча шарт-шароит яратилган, комиссия аъзолари юқори тайёргарликка эга. Юқори электорал фаоллик аҳолининг мамлакат келажиги учун ўз сайлов ҳуқуқини амалга оширишдан манфаатдорлигидан далолат беради. Бу Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампаниясининг барча босқичлари юқори даражада ташкил этилганини кўрсатади.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилари миссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги баёнотини эълон қилди.

Миссия раҳбари, элчи Йохан Петер Трауготт Тейлер Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан самарали сайловолди ишлари ташкил этилгани, мажбур тадбирлар қонунда кўзда тутилган муддатларда бажарилганини қайд этди. Тўрт сиёсий партиядан Президентликка кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари сайловчилар умумий сонининг беш фоизидан бир фоизига қисқартирилгани, сайлов комиссияларининг ошқоралик ва ҳолисалик таъминлаш борасидаги ишлари ижобий баҳоланди.

— ЕХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш учун тақийф этилган мамлакатимиз эркин, очик ва адолатли сайлов ўтказишда Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги ва умумэтироф этилган халқаро сайлов стандартларига қатъий риоя қилганининг ёрқин далилидир.

ЎЗА

Сўз — халқаро кузатувчиларга

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ ҚОНУН ТАЛАБЛАРИ ВА
ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАРГА МОС ЎТДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА 4 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг 500 дан ортиқ вакили кузатувчи сифатида иштирок этди.

ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлиб, мамлакатимиз сайлов тизими, Президент сайловида кўрилган тайёргарлик, овоз бериш жараёни, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самаралари ҳақидаги фикрларини ёзиб олди.

Игорь ЧАМОВ,
Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссияси вакили:

— Ўзбекистон Президенти сайловини кузатиш учун келган халқаро кузатувчилар қаторида ташкилотимиз вакиллари ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёни билан яқиндан танишди. Сайловда халқининг бирдамлиги, ҳамжиҳатлиги ва сиёсий фаоллигига яна бир бор амин бўлдим. Мамлакатингизга илк бор келиб, бу тарихий воқеада кузатувчи бўлиб қатнашаётганимдан хурсандман.

Масанори АИКЕ,
Аичи Миллий университети президенти (Япония):

— 14-Тошкент сайлов округида ва бир неча сайлов участкасида бўлиб, аҳолининг овоз бериш жараёнини кузатдим. Аҳоли сайловга жиддий ёндашаётгани менда яхши таассурот қолдирди. Сайлов очик-ошкора, демократик руҳда ўтди. Ўзбекистондаги бу қадар юксалиш диққатга сазовор.

Хуқуқшуносман. Тошкент давлат юридик университети билан яхши алоқалар йўлга қўйганмиз. Шу ўринда Ўзбекистоннинг таълим соҳасидаги муваффақиятларини ҳам таъкидлаб ўтишни истардим. Мамлакатингиз ёшлари халқаро майдонда ўз салоҳиятини намойиш этмоқда. Япониядаги университетларда таълим олаётган ўзбек ёшлари кўп. Келгусида Ўзбекистон билан Япония алоқаларини янада кенгайтириш, хусусан, АКТ соҳасида ҳамкорлигини янада ривожлантиришдан умидворимиз.

Михаил КОЗЛОВ,
Россия Федерал Мажлиси Федерация кенгашининг Мудофаа ва хавфсизлик қўмитаси аъзоси:

— Бу сайлов ўзбек халқи ўз келажаги, ўз Ватани тарақиёти учун катта ва муҳим қадам қўйганининг амалий ифодаси бўлди. Сайловнинг юксак уюшқоқлик ва фаоллик билан ўтганида мамлакатдаги тинчлик ва барқарорлик муҳим омил бўлди, деб ҳисоблайман.

Гао ЮЙШЭН,
Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг махсус элчиси:

— Мен бир қатор сайлов участкаларига бориб, эрта тонгдан одамларнинг овоз бериш жараёнида фаол иштирок этганига гувоҳ бўлдим. Ўзбекистондаги сайловлар миллий қонунчилик ҳамда халқаро андозаларга тўла мос тарзда ўтди. Сайлов участкаларида барча тоифадаги сайловчилар, жумладан, алоҳида эҳтиёжли фуқаролар, болалар аёллар, кексалар учун қулай шароит яратилгани эътиборга сазовор.

Доминик ТИЛЬМАНС,
Бельгия Қироллигининг фахрий сенатори:

— Ўзбекистонга ҳар сафар келганимда улкан ўзгаришлар, ҳайратланарли ривожланишнинг

гувоҳи бўламан. Ўзбекистон сайлов тизими тақомиллаштирилган. Очиқлик, тенглик ва холислик каби демократик талаблар таъминланган. Мен сайлов жараёнини бевосита кузатдим, демак, ушбу жараёнга тўғри ва холис баҳо бера оламан. Ўзбекистоннинг миллий сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгариш ва қўшимчалардан хабаримиз бор. Турли миллатлар, имконияти чекланган фуқаролар учун тенг қўлайликлар яратилгани — бу демократиянинг ёрқин кўриниши. Сиёсат соҳасида 27 йиллик таърибга эгаман. Бинобарин, сайлов тизимини яхши тушунаман ва шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юқори даражада ташкил этилган, деб ҳисоблайман.

Лесли ВИГЕРИ,
АҚШ элчихонаси раҳбарининг ўринбосари:

— Тошкент шаҳридаги бир қатор сайлов участкаларида бўлиб, инсонларнинг яхши кайфиятда овоз берганини кузатдим. Хорижий кузатувчиларнинг фаолият юритиши учун барча шароит яратилгани Ўзбекистонда сайлов халқаро нормаларга тўлиқ мувофиқ равишда, демократик принциплар асосида очик ва ошкора ўтганидан далолат беради.

Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва оқилоллик халқининг энг катта ютуғидир. Бундай мамлакатда тарақиёт бўлади. Одамлар эртанги кунга ишонч билан қарайди. Аҳолининг сайлов жараёнига қизиқиши, сиёсий билимдонлиги ва фаоллиги жуда баланд.

Вента КОЦЕРЕ,
Латвия университети академик кутубхонаси директори:

— Ўзбекистонга ҳар гал келганимда бу ердаги оламшумул ўзгаришлар ҳавас уйғотади. Биринчи Президент Ислам Каримов томонидан Ўзбекистонда ажодлар меросини асраб-авайлаш борасида амалга оширилган ишлар салмоғини кўриб ҳайратга тушмаслик мумкин эмас.


Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ҳамда Тошкент шаҳридаги Инха университетидаги сайлов участкаларида овоз бериш жараёнини кузатиб, Ўзбекистон халқи наинки ўтмишга ҳурмат, балки келажакка ҳам юксак ишонч билан қарашига амин бўлдим. Юқори таъкилий тайёргарлик, сайловчилар фаоллиги ҳамда мазкур жараён иштирокчиларининг ҳамжиҳатлиги сайловнинг муваффақиятли ўтишини таъминлади, деб ўйлайман.

Овоз бериш жараёнида нафақат сайловчилар, балки уларнинг фарзандларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Сайлов участкаларидаги она ва бола, тиббиёт хоналари, айтиш жоизки, сайлов тизимида нодир амалиётдир.

Жамшед ЖАМШЕДОВ,
Тожикистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси:

— Жиззах шаҳридаги 5-сайлов участкасида овоз бериш жараёнини кузатдим. Сайлов миллий қонунчилик ва халқаро демократик тамойилларга тўла риоя қилинган ҳолда ўтди. Сайловчилар ўзлари танлаган номзодга эмин-эркин овоз берди. Сайловчилар билан суҳбатлашдик. Ҳар бир сайловчи ўз фикрига эга. Сайловчиларнинг фаоллиги Ўзбекистон халқининг ўз Ватани тақдирига, келажакка бефарқ эмаслигини кўрсатди.


ЎЗА

САЙЛОВ ДЕМОКРАТИК
РУҲДА ЎТДИ

Дитер БРАНДЕНБУРГЕР,
Германия — Ўзбекистон дўстлик жамияти вице-президенти:

— Аҳолининг аксарияти сайловнинг муҳимлигини ҳамда овоз беришда қатнашиш зарурлигини теран ҳис этаётгани уларнинг эрта тонгдан бу жараёнда фаол иштирок этишидан маълум бўлди. Ҳар бир фуқаро миллати, дини, ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга экани жуда эътиборлидир. Бу мамлакатингизда инсон ҳуқуқлари таъминланганидан, ижтимоий тенглик қарор топганидан далолат беради.

Алихейдар РЗАЕВ,
“Авиамост” журнали муҳаррири (БАА):



— Кўзи ожиз фуқароларга брайль алифбосида сайлов мавзусида рисоалар ва махсус бюллетенлар чоп этилгани, ногиронлар билан ҳам боғланиб турибман. Улар сайлов очик ва ошкора ўтганини маълум қилди. Ўзбекистонга юртимда фаолият юритаётган бир қатор оммавий ахборот воситалари вакиллари келган.

Мухарбек ДИДИГОВ,
Россия Федерацияси Федерация кенгашининг мудофаа ва хавфсизлик қўмитаси раиси ўринбосари:

— Ўзбекистон халқи Президент сайловида нафақат мамлакат ҳаёти, балки ўзи ва оиласининг эртанги тақдири учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга катта сиёсий жараён сифатида ёндашаётгани, аввало, қафолатли ва барқарор ҳаёт учун овоз бераётгани таҳсинга лойиқ. Самарқанд, Бухоро ва Тошкент шаҳарларида сайловга тайёргарлик ва сайлов жараёни билан бевосита танишиб, бунда аҳолининг барча қатлами учун тенг ва кенг имкониятлар яратилганига гувоҳ бўлдим.

Сайлов мамлакатингиз қонунлари, халқаро демократик тамойиллар ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мос, ошкоралик, кўппартиявийлик, эркинлик, тенглик тамойилларига мувофиқ ўтди.

ЎЗА

САЙЛОВ ЮКСАК САВИЯДА ЎТДИ

— Мен юртингизнинг сайлов жараёнида учинчи бор иштирок этишим. Хоразм, Бухоро вилоятларидаги сайлов участкалари билан танишиб чиқдим. Бу ердаги сайлов жараёнига тайёргарлик таҳсинга лойиқ. Сиёсий жараёнларда, айниқса, журналистларнинг фаоллигини кўриб ҳайратландим. Уларга ушбу жараёни кенг ёритиш учун барча зарур шароитлар яратилган. Мамлакатингиздаги ўзгаришларни ўз кўзим билан кўриб турибман. Албатта, демократик тамойилларни қуриш осон эмас. Лекин ҳали ўттизга ҳам қирмаган ёш давлатнинг дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга

бўлаётгани, бу албатта, қувончли.

Сайлов участкаларида фуқароларнинг сиёсий фаоллигининг гувоҳи бўлдим. Бу ерда сайловчилар учун барча шароитлар яратилган. Хусусан, она ва бола, тиббиёт хоналари, кўзи ожизлар учун жорий қилинган брайль алифбосидаги бюллетенларнинг тарқатилиши, сайлов куни яшаш жойида бўлмайдиган фуқаролар учун олдидан овоз беришининг ташкил этилиши, сайлов участкаларига келиш имкони йўқ сайловчиларга уйдаги сайлаш имкони яратилгани каби жиҳатлар Ўзбекистонда Президент сайлови демократик та-

мойиллари асосида ўтганлигидан далолат.

Бухоро, Хоразм вилоятларида ташрифим давомида бу ердаги қадимий жойларни кўздан кечирдим. Ҳақиқатан ҳам ўзбек халқининг тарихи жуда бой, унинг келажаги ҳам порлоқ бўлишига ишончим комил. Бу ерда кўрганларимни ўз ватанимда, ўқувчиларимизга ҳаққоний етказишга ҳаракат қиламан.

Фолкер НЕЕФ,
Мустақил журналист (Германия)
“Туркистон-пресс”

Мурожаатлар доимий эътиборда

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
веб-сайтида виртуал қабулхона

БУТУНГИ кунда ҳар бир соҳага интерфаол электрон хизмат турларини татбиқ этиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда аҳоли, хусусан, кичик бизнес вакиллари халқаро муносабатлар қўллаб-қувватлаш, уларнинг мурожаатларини қабул қилиш мақсадида вазирлик ва идоралар тизимида “ишонч телефон”лари йўлга қўйилди. Бу ҳам аҳоли, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари мурожаатлари ўз вақтида ҳал этилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, давлатимиз томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган алоҳида эътибор самарасида инсон, унинг шайни ва қадр-қиммати олий қадрият даражасига кўтарилди.

Мурожаат этиш ҳуқуқи шахсининг энг муҳим ҳуқуқларидан бўлиб, у инсон ҳуқуқлари таъминланиши ва самарали ҳимоя қилинишининг асосий омилларидан биридир. Шу боис, миллий қонунчилигимизда мурожаатлар масаласига алоҳида ўрин берилган.

Мамлакатимиз Бош қонунинида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларга ёки халқ вакилларига ариза, так-

лиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги қафолатланган.

2014 йилдан кучга кирган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун жисмоний шахсларнинг давлат органларига мурожаат этиши тартибини янада тақомиллаштирди. Шунингдек, ушбу Қонун билан юридик шахсларнинг ҳам мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинди.

Эътиборлиси, Қонунда замон талабларидан келиб чиқиб, электрон шаклда мурожаат қилиш ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Эндиликда жисмоний ва юридик шахслар белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тегишли идора ёки мансабдор шахсларга мурожаат қилиши мумкин.

Мана шу амалий ишларнинг манتيқий давоми сифатида мурожаатлар билан ишлаш тизимини тақомиллаштириш учун 2016 йил 27 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг “Жис-

моний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини сўзсиз бажариш юзасидан жавобгарлиги тўғрисида”ги қарори қабул қилинди ва, албатта, бу борадаги саъй-ҳаракатлар давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифага айлантирилди.

Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳолатини тубдан ислох қилиш, комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Мурожаатлар билан ишлашнинг сифатини янада яхшилаш, самарадорлигини ошириш мақсадида вазирлиқнинг расмий веб-сайтида адлия вазирлигининг виртуал қабулхонаси ишга туширилди.

Эндиликда жисмоний ва юридик шахслар учун адлия вазирлиги фаолиятига оид мурожаатларни тезкор, қулай ва замонавий электрон воситалари ёрдамида тўғридан-тўғри виртуал қабулхона орқали йўллаш имкони яратилди.

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати

ОИЛАГА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШ

инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим
вазифаларидан биридир

МИЛЛИЙ қадриятларимизни ўзига сингдирган Конституциямизда оила, оналик ва болалик давлат муҳофазасида эканлиги, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналар вазифаларидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни ўз зиммасига олганлиги тўғрисидаги қондалар мустаҳкамлаб қўйилганлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Ўз фарзандларини вояга етказиш ота-онанинг олдидаги бурч, вояга етган меҳнатга лаёқатли фарзандлар эса ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга бурчли эканлиги оиланинг муқаддаслигига таянади. Халқимизнинг азалий урф-одатлари, анъаналари ҳисобланади. Юқоридикида кайд этилган қондалар Конституциямизнинг оила масалаларига бағишланган XIV бобида ўз аксини топган.

Шу ўринда кайд этиш кераки, инсон онги, характеридаги энг яхши фази-

латлар, дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезонлар, аввало, оила бағрида куртак ёзади. Ҳар бир боланинг эртага қандай инсон бўлиб вояга етиши, иқтидорининг шаклланиши, нималарга қизиқиши унинг қандай оилада тарбия топганига ҳам боғлиқ. Шу боис ота-боболаримиз оилавий тарбияга ғоят долзарб ва нозик масала сифатида алоҳида эътибор қаратган.

Биз кураётган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятида оила ўзига хос ижтимоий бирлашмани ташкил этади. Оиланинг бу хусусияти унинг жамият манфаатлари билан боғлиқлиги ҳамда ижтимоий вазифаларда ифодаланади. Конституциямизнинг 63-моддасида “Оила жамиятининг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга”, — деб кайд этилган. Оила давлат муҳофазасида, оилага мунтазам ғамхўрлик қилиш, унга

хар тарафлама моддий-маънавий кўмак бериш инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим вазифаларидан биридир. Мамлакатимизда оила маънавиятини юксалтиришга, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга давлат томонидан ғамхўрлик қилиш, оила аъзоларининг турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилган зарур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шарт-шароитларни вужудга келтириш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва ихросини таъминлашга ҳамда мазкур соҳага оид давлат дастурлари талабларининг босқичма-босқич бажариб борилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, мамлакатимизда ёш оилаларга эътибор давлатимизнинг диққат марказидаги асосий масалалардан бири бўлиб келмоқда. Бунга мисол қилиб “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари келтириш мумкин.

Бу нормалар давлатимиз оилани жамиятнинг энг муҳим бўғини деб билиши, оила масаласига масъулият билан қаралаётганини ва бу соҳада жиддий норматив-ҳуқуқий асослар яратилганлигининг ёрқин ифодасидир.

Хулоса қилиб айтиш мумкин, мамлакатимизда буюк мақсадлар йўлида амалга оширилаётган вазифаларга муштарак равишда оилани мустаҳкамлаш, ёшларни билимли, одоб-ахлоқли, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, касбга йўналтириш, бандлигини таъминлаш каби оилавий анъаналар давом эттирилмоқда.

Фотима ХУСАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

БУГУН дунё ҳамжамияти томонидан ҳақли равишда тан олинаётган Ўзбекистон тараққиёти ва фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати, “айнан ўзимизга хос, ўзимизга мос бўлган” “ўзбек модели”нинг ҳаётга татбиқ этилишига хизмат қилаётган Асосий Қомусимиз қабул қилинганлигига 24 йил бўлди.

Мустақил Ўзбекистоннинг бош мақсадига айланган аҳолининг моддий фаровонлигини ошириб боришда, халқимизнинг жамият ва давлат бошқарувида ҳал қилувчи муҳим аҳамиятга эга бўлган маънавий-ахлоқий қарашларини юксалтиришда Конституциянинг ўрни бекиёс.

Асосий Қомусимизда миллий, умуминсоний ва демократик принцип ва нормалар акс этган. Жумладан, 7-моддасида назарда тутилган “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи” эканлиги, “Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб” сиёсат юритиши, шунингдек, 13-моддасида баён этилган “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши”, 14-моддасидаги “Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши” тўғрисидаги ва бошқа кўплаб моддалардаги асосий меъёрлар Конституциямизнинг инсонийлик ва эзгулик ғоялари билан сугорилганлигидан далолат беради.

Бош Қомусимиз давлатимиз мустақиллигининг рамзи бўлиб, унда ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз акс этади. Уни эркинлик, мустақиллик, озодлик ва ҳурлик тантанаси сифатида эъзозлаймиз. Унда инсон ҳаёти, унинг шаъни, қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари олий қадрият сифатида мустаҳкамлаб қўйилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси аъзолари томонидан ўтказилган давра суҳбатида Конституциямизнинг яратилиш тарихи, унинг аҳамияти, конституциявий қоидаларни ҳаётга татбиқ этиш муаммолари, шунингдек, амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирилди.

Акмал САИДОВ,
Қўмита раиси:



— Мен бугунги давра суҳбатида қуйидаги учта масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Биринчиси, Конституциямизнинг яратилиш тарихи ва бугунги кундаги аҳамияти; иккинчиси, Конституция қоидаларини қўллаш муаммолари; учинчиси, конституциявий ватанпарварлик.

Мамлакатимизда янги Конституция ҳақидаги илк фикрлар 1989 йили Ўзбекистонда “Ижтимоий фанлар” журналида, 1990 йили “Советское государство и право” журналида эълон қилинган эди. Расман “Ўзбекистонга янги Конституция керак”, деган ғоя 1990 йил 30 мартда Ўзбекистон Олий Кенгашининг биринчи сессиясида илгари сурилди. 1990 йил 24 мартда собиқ Иттифок республикалари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистонда президентлик лавозими жорий этилди. Мазкур сессияда мустақил Ўзбекистон давлатининг рамзларини ишлаб чиқиш бўйича Махсус комиссия тузилди.

Иккинчи муҳим кадам — 1990 йил 20 июнда Мустақиллик декларациясининг қабул қилиниши бўлди. 1990 йил 21 июнда Президентимиз бошчилигида 64 кишидан иборат Конституциявий комиссия ҳамда академик Ш.Уразаев раҳбарлигида мазкур Комиссия таркибида 32 кишилик Ишчи гуруҳи тузилди. Ишчи гуруҳи томонидан 97 мамлакат, нафақат Фарб, балки Шарқ мамлакатлари конституциялари ҳам ўрганилди. Конституциянинг учта концепцияси яратилди. Биринчи концепциянинг аҳамиятли томони шундаки, у Ўзбекистон Фанлар академияси Президиуми томонидан Олий Кенгашга киритилган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Конституциянинг яратилиш жараёни бугунги кунда қонунчилик жараёни учун катта сабоқ мактаби бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан, Конституция тарихи музейини яратиш вақти келди, деб ўйлайман.

Конституцияга бўлган ҳурмат унинг амалда қўлланилиши билан белгиланади. Тўғри, Ўзбекистон Олий суди Пленумининг Ўзбекистон Конституцияси, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига ҳавола қилган қарорлари бор. Бундан ташқари, Конституциянинг ҳар бир моддаси бўйича қонунлар қабул қилинган, лекин Конституциянинг тўғридан-тўғри, бевосита қўлланилиши

га эътибор етарли эмас эди. Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг 2001 йил 4 январдаги Фармойиши ижроси юзасидан жойларда Конституцияни ўрганишга ва унинг бевосита қўлланилишига катта эътибор қаратилди. Жумладан, Конституциямизга бағишланган юздан ортқ илмий-оммабоп китоб, дарслик, қўлланмалар чоп этилди. Халқимиз Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини тобора чуқурроқ англаб етмоқда. Аммо Конституцияни амалиётга татбиқ этиш механизмларини такомиллаштириш муҳимлигича қолмоқда.

Учинчи масала — конституциявий ватанпарварлик. Ўйлайманки, бизда конституциявий ватанпарварлик, Конституцияга ишонч, ундан ғурурланиш, ифтихор туйғуси кучли бўлиши керак. Чунки конституциявий ватанпарварлик — ўз тақдирини ўзи яратётган, маданияти юксак халқ маънавиятининг ўзги қисми эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Жаҳонгир ШИРИНОВ,
Қўмита аъзоси:



— Конституциямизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари мазмунини бевосита очиб берувчи 34 та модда мавжуд. Унинг муқаддасидан тортиб, яқунловчи қоидаларига қадар инсон, унинг фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик ғоялари сингдирилган.

Бош Қомусимизнинг 19-моддасида эса, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги қонуний мустаҳкамланган.

Конституциямизнинг иккинчи бўлими бевосита фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига бағишланганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Унда инсоннинг шахсий ҳуқуқларидан бошлаб, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларигача ўз аксини топган. Масалан, яшашга бўлган ҳуқуқни олсак. Биламизки, ҳаёт инсонга Аллоҳ таоло томонидан бахшида этилган энг буюк нъматдир, ундан маҳрум этиш эса инсонпарварликка зид ҳисобланади. Айнан шунинг учун, Конституциянинг 24-моддасида “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир”, деб белгиланган.

Ёки 31-моддага мувофиқ ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатла-

ниб, унда ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эгалиги белгиланган.

Фуқароларга берилган ижтимоий ҳуқуқлар ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Айниқса, “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга”, деган қоида айнан Асосий қонунда мустаҳкамлаб қўйилганлиги ушбу масалада аҳолининг ижтимоий муҳтож қатламларига ғамхўрликнинг кафолатланганлиги билан баҳоланади.

Бош Қомусимизда мустаҳкамлаб қўйилган яна бир муҳим масала фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларини самарали муҳофаза этиш масаласидир. Бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий заминини яратиш манфаатларидан келиб чиқиб, Конституция хусусий мулк дахлсизлиги ва унинг давлат томонидан ҳимояланишини (53-модда) ҳамда ҳар кимнинг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини (36-модда) мустаҳкамлади.

Баҳром ОБИДЖОНОВ,
Қўмита аъзоси:



— Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси жамиятимиз барча аъзоларининг, шу жумладан, ёшларнинг манфаатларини, уларнинг ҳақ-ҳуқуқи ва эркинликларини ўзида тўла ифода этади. Чунки давлатимизнинг ҳар томонлама кудратли давлатга айланишида ёшларнинг фаол иштироки ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ёшларнинг қобилияти, истеъдоди, билимига мувофиқ ижтимоий эҳтиёжларини эътиборга олиб, илм олиш, касб, машғулоти ва иш танлаш ҳуқуқини ўз ичига олувчи ҳуқуқлар мажмуи Конституциявий қоидаларда мустаҳкамлаб қўйилган.

Биринчи Президентимиз эътироф этганидек, “Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бозорнинг энг катта бойлигидир, энг юксак қадриятимиз — жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир”. Зеро, бугунги даврда ҳаётнинг ўзи бизга турли миллат, эътиқод ва дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ҳукм сурган шароитдагина умумий хонадонимиз бўлган Ватанимиз ва жамиятимиз, ҳар биримизнинг оила-рўғоримиз, фарзандларимиз келажagini таъминлашга эришиш мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Конституциямизнинг 42-моддасида: “Ҳар кимга илмий ва техни-

кавий ижод эркинлиги, маданият йўтуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятининг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади”, деган норма мустаҳкамлаб қўйилган. Мамлакатимиз олий ўқув юртиларида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашув жараёни изчил ривожланаётгани мисолида ҳам ана шу конституциявий қоидаларнинг ҳаётимизга нечоғлиқ чуқур татбиқ этилаётганини кўриш мумкин.

Мустақиллик йилларида юртимизда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари қатори ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, уларнинг таълим олиши, касб-хўнара эгаллаши, ўз мутахассислиги бўйича ишлаши ва соғлигини муҳофаза қилиши, оила қуриш, яшаш жойларига эга бўлиш каби ўнлаб ҳаётий талабларни давлат томонидан кафолатлаш ва қондиришга қаратилган кенг қамровли тadbирлар тизими ишлаб чиқилди ва амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, Конституциянинг ёшларга оид нормалари қатор қонун ҳужжатларида, уларнинг муайян таркибий қисмларида ўзининг тўла ифодасини топган.

Абдуллажон ҲАМРОКУЛОВ,
Қўмита аъзоси:



— Конституциямиз ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. У халқро стандартларга мос келадиган олий ҳуқуқий ҳужжатдир. Ўзбекистон Конституцияси ҳақида жаҳон ҳамжамияти, халқро ҳуқуқ билимдонлари ижобий фикр билдириб келмоқда. Масалан, Франциялик ҳуқуқшунос Мишель Лесаж бир неча йил илгари қуйидагиларни айтган: “Ўзбекистон давлати ўзининг янги Конституциясини қабул қилган. Ушбу Конституция шуниси билан эътиборлики, унда белгиланган нормалар асосида дунё мамлакатларининг янги қабул қилинаётган конституциясини ишлаб чиқиш мумкин”. Бу Конституциямизга берилган катта баҳодир. Шуни фахр билан айтиш мумкинки, кўплаб қардош республикалар конституцияси қабул қилинишида Ўзбекистон қарибасидан фойдаланилди.

Конституциямизнинг 14 та муҳим хусусияти бор. Улардан энг асосийлари — суверенитет, халқчилик, қонун устуворлиги, ҳокимият вако-

латларининг бўлиниши, ташқи сиёсат асосларини белгилаб берувчи конституциявий қоидаларнинг мустаҳкамланганлиги. Бу сиёсий-ҳуқуқий институтларнинг назарий ва ҳуқуқий асослари мамлакатимизда биринчи мартаба яратилди. Қувонарлиси шундаки, биз бирорта моддани бирор мамлакат конституциясидан кўчирганимиз йўқ. Аксинча, Конституциямизнинг ҳар бир моддаси миллий менталитетимизга ўй-ғунашган, унинг матнини ишлаб чиқишда аждодларимиз ҳуқуқий мероси намуналари, ислом ҳуқуқи манбалари, халқимизнинг асрий урф-одатлари ҳам ўрганилиб, ҳисобга олинди.

Истиқлолнинг ўтган йиллари давомида Бош Қомусимизга бир неча муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, мукамаллик касб этганини ҳам алоҳида эътироф этиш зарур.

Иброҳимжон ХОДЖИЕВ,
Қўмита аъзоси:



— Конституциямиз келажаги буюк давлатнинг ишончли ҳуқуқий кафолати ҳисобланади. Ҳаётимизни фаровон этиш, уни чинакам қонуний асосда қуриш, ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни таъминлаш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини ўрнатиш инсонни олий қадрият деб ҳурматлаб, унинг барча манфаатлари ҳимояси учун хизмат қилади. Жамият эса у орқали демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этишни энг олий мақсад, деб унга томон интилади.

Биз бугунгидай давра суҳбатлари, тарғибот тadbирларини кўпроқ ўтказишимиз, айниқса, ёшларга Бош қомусимизнинг бекиёс аҳамияти, давлатимиз тараққиётидаги ўрнини аниқ мисоллар орқали тушунтириб боришимиз зарур. Зеро, уларнинг қалбида Конституциямизга бўлган юксак ҳурмат, ватанпарварлик туйғуларини кучайсин. Шунда улар мамлакатимиз тақдирига дахлдорлик ҳисси билан камол топадилар, биз орзу қилган интеллектуал салоҳиятли, юксак маънавиятли авлод бўлиб етишадилар.

Конституциямиз қабул қилинган кун муносабати билан ўтказилаётган илмий-амалий анжуманлар, давра суҳбатлари ва учрашувларда биз ёш авлод вакилларига Бош Қомусимизнинг давлатимиз ривожиди-

га бекиёс аҳамиятини янада чуқурроқ ўргатиш билан бир қаторда, унинг асосчиси бўлган Биринчи Президентимизнинг доно сиёсати, халқимиз олдидаги улкан хизматларини ҳам эслатиб ўтишимиз лозим, деб ўйлайман.

Одилжон ТАДЖИЕВ,
Қўмита аъзоси:



— Ёшлар масаласи парламенти-мизнинг доимий эътиборида бўлиб келаётгани ҳам қувонарлидир. Шу ўринда таъкидлаш керакки, 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунда ёшлар бўйича давлат сиёсатининг мақсадлари ва тамойиллари, ёшларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазаси масалалари, таълим олиш ҳуқуқи, иқтидорли ёшларга нисбатан давлат қўмагини амалга ошириш каби жамият ривожланиши учун зарур ва долзарб масалалар қамраб олинган.

Юртимиз аҳолисининг 60 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этади. Хусусан, бугунги кунда, 70 дан ортқ олий ўқув юртилари, 1 500 дан ортқ касб-хўнара коллежлари, академик лицейлар, 10 000 га яқин умумий ўрта таълим мактаблари, 5 000 га яқин мактабгача таълим муассасаларида халқимизнинг 7 миллиондан ортқ фарзандлари таълим-тарбия олмақдалар.

Мамлакатда фаолият юритаётган 525 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 13 та олимпия заҳиралари коллежи ҳамда 8 та Республика олий спорт маҳорати мактабида юқори малакали, истеъдодли спортчилар тайёрланмоқда.

Бугун халқро миқёсда ўтказилаётган фан олимпиадалари, спорт мусобақалари ғолиблари бизнинг ёшларимиз бўлаётганлиги ўтган 25 йилда олиб борилган ишлар самарисидир.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз Конституцияси жамият ҳаётининг турли соҳаларида олиб борилаётган ислохотларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал ҳисобланади ва бундай масъулиятли ишларни амалга оширишда ёшларимиз ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Давра суҳбатини журналист
Арслон ЭШМУРОДОВ
тайёрлади.

Адлия вазирлигида

СУД ДЕПАРТАМЕНТИ ФАОЛИЯТИ: ҚАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ томонидан навбатдаги матбуот анжумани ташкил этилди. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан ташкил этилган мазкур анжуман “Суд департаментининг фаолияти, тизимда замонавий ахборот-технологияларнинг татбиқ қилиниши ҳамда келгусида амалга ошириладиган вазифалар” мавзусига бағишланди.

Журналистлар учун тақдим этилган ахборотда таъкидланганидек, республикада босқичма-босқич амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари доирасида суд қарорларини мажбурий ижро этиш тизими, шу жумладан, 2001 йилда Адлия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган махсус ваколатли орган — Суд департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш масаласи ҳам кун тартибидан алоҳида ўрин эгаллаб келмоқда.

Соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқди. Бу йўналишда амалга оширилган ташкилий-ҳуқуқий тadbирлар натижа-сида Суд департаменти томонидан суд қарорларини мажбурий ижро этиш ишлари самарадорлигини ошириш, судларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш, суд биноларини қуриш, капитал таъмирлашда бир қатор ижобий натижа-

ларга эришилди.

Уларга асосан тизимда янги йўналиш — суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими, суриштирув секторлари ҳамда суд ижрочиларининг фаолиятида компьютер, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиши таъминлаш мақсадида ахборот таъминоти ва мол-мулкни қидирув бўлими секторлари ташкил этилди. Ушбу ислохотлар натижа-сида соҳада сезиларли ижобий натижаларга эришилмоқда.

Шу ўринда тadbир катнашчиларининг эътиборига бир неча далил ва рақамлар ҳавола этилди. Жумладан, жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг иш юритишда 3 миллион 305 мингта ижро ҳужжати мавжуд бўлиб, шундан 1 миллион 810 мингта ижро ҳужжати бўйича қарздорлик ундирилди.

Бу эса жами ижроси амалда ундирилган ижро ҳужжатлари сонининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112,3 мингтага ошганлигини кўрсатмоқда.

Давлат фойдасига қарийб 1,1 миллиондан ижро ҳужжати-нинг, шу жумладан, давлат бюджетига 60 мингдан ортқ солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатининг ижроси таъминланди.

Суд идоралари ва Суд ижрочилари бўлимларининг бино-

ларини қуриш, капитал таъмирлаш ва уларни моддий-техник жиҳатдан жиҳозлаш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, 2016 йил давомида умумий юрисдикция судларига 10 та янги бино қурилди. 14 та мавжуд бино капитал таъмирдан чиқарилди. Суд департаменти тизими учун 10 та янги бино барпо этилиб, 4 та мавжуд бино капитал таъмирланди. Ушбу объектлар учун Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси томонидан 23 миллиард 462,4 миллион сўм маблағ ажратилди.

Суд департаменти ва Марказий банк ўртасида электрон маълумот алмашинуви ташкил этилиб, у орқали қарздорларнинг тижорат банкларидаги ҳисоб рақамларини электрон сўровнома юбориш орқали аниқлаш имкони яратилди. Қарздорларнинг мол-мулкни қидиришда Ереорекдастр давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси билан тўлақонли автоматлаштирилган электрон маълумот алмашинуви йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари вакиллари ижро йўналиши, уни амалга ошириш механизми, ундирилган қарздорларнинг мол-мулкни қидиришда Ереорекдастр давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси билан тўлақонли автоматлаштирилган электрон маълумот алмашинуви йўлга қўйилди.

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати

ФАРОВОН ҲАЁТ КАФОЛАТИ

АСОСИЙ Комусимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги қонда-си, инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият эканлиги, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланишига бўлган ҳуқуқлари, одил судлов тамойиллари, судларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунлиши, айбисизлик презумпцияси каби қатор нормалар ўз аксини топган.

хатлари ҳамда ушбу йўналишдаги Ўзбекистон амалиёти ва тажрибасини қуйидагиларда кўриш мумкин: **биринчидан**, Ўзбекистон Республикасида халқаро стандартларни миллий қонунчилик ва ҳуқуқни

ўрта махсус ва олий ўқув юртли талабаларини, тегишли институтлар, марказлар, малака ошириш курсларини қамраб олади.

Ва ниҳоят, **олтинчидан**, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳамда



қўллаш амалиётига босқичма-босқич имплементация қилишнинг ўзига хос модели яратилди;

иккинчидан, Ўзбекистонда инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши ва инсон ҳуқуқлари оид халқаро стандартларнинг бажарилишини мониторинг қилишнинг миллий тизими шаклланди бўлиб, у парламент мониторинги, ижро этувчи органлар мониторинги, суд мониторинги ва жамоатчилик мониторинги шаклларида амалга оширилади;

учинчидан, халқаро ташкилотларнинг тавсиясига биноан Ўзбекистонда Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ каби миллий институтлар фаолият кўрсатмоқда;

тўртинчидан, вазирликлар ва идораларнинг ҳуқуқни ҳимоя қилишга оид фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура тизимида минтақавий таркибий бўлинмалари бўлган инсон ҳуқуқлари бўйича махсус бошқармалар ташкил этилган;

бешинчидан, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим тизими шаклланди бўлиб, у мактабга ва мактаб ёшидаги болаларни ҳамда

эркинликларини бир хилда таъминлаш муаммоси нафақат давлат, балки бутун жамият эътиборида ҳам бўлади. Бу борада фуқаролик жамияти институтлари амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муқтож қатламларининг ҳуқуқларини мониторинг қилишда, ахборот-маърифий фаолиятда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларининг бажарилиши бўйича даврий миллий маърузаларни тайёрлашда фаол иштирок этмоқда.

Умуман айтганда, жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида, шу жумладан, инсон ҳуқуқларининг устуворлиги, уни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмининг янада демократлаштириш соҳасида амалга оширилган эзгу ишлар ҳамда бу борада қўлга киритилган ютуқларнинг барчаси бундан 24 йил аввал қабул қилинган миллий тараққиёт йўлининг асоси — Бош Комусимизнинг нечоғлиқ ҳаётийлиги, унинг узокни қўзлаб, пухта ишлаб чиқилганлигининг яққол амалий натижасидир дейиш мумкин.

Ўрол ОСТОНОВ,
Қашқадарь вилоят адлия
бошқармаси бошлиғи
биринчи ўринбосари

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР соҳадаги ютуқларни таъминлайди

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ давлат хизмати тизимини такомиллаштириш ва давлат хизматчилари профессионал фаолияти унвдорлигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Жойларда кадрларга эҳтиёж бўйича доимий мониторингнинг амалга ошириш бориб, кадрлар захирасини яратиш, зарур ҳолатларда захирадаги кадрлар алмашинуви (ротация) амалга оширишнинг тақозо этади.

Хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш натижасида кўплаб мамлакатларда давлат хизматчиларининг, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ротацияси ҳодимларнинг касбий тайёргарлик даражаси ва давлат аппарати иш сифатини ошириш ҳамда тизимда коррупциянинг олдини олиш мақсадида қўлланилишини кўриш мумкин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳодимларининг ротацияси кўйидаги таъриф бериш мумкин. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳодимларининг ротацияси деганда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда муайян лавозимни эгаллаб турган ҳодимни белгиланган тартибда бир ёки бошқа ҳудуд доирасида режалли, алоҳида ҳолларда режадан ташқари тартибда касби, малака даражаси иш стажини, мутахассислиги хусусиятларини инобатга олган ҳолда айнан бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ёки бошқа давлат органида тенг лавозимга ўтказиш тушунилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳодимларининг ротация қилишда қуйидаги асосий мақсадларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

— ўз касбий вазифаларига совуқронлик билан қараш, порахўрлик ва бошқа суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймайди;

— ҳодимнинг шахсий ва ишчанлик фазилатларини, унинг фаолияти самарадорлигини мунтазам ўрганиш, давлат органлари фаолиятининг турли йўналишларида малака ва иш тажрибасига эга бўлган кадрлар захирасини шакллантириш;

— ҳодимларнинг ишлаш қобилиятини ва улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, жамоада соғлом иш шароитини таъминлашдан иборатдир.

Жумладан, нотариусларни даврий ротация қилиш тартибининг жорий қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Буни қуйидаги ҳолатларда ҳам кўриш мумкин.

Биринчидан, нотариусларнинг узок муддат бир жойда ишлашлари уларнинг "ихтисослашуви" юзасига келишига олиб келиши мумкин.

Хусусан, автомашина бозори ҳудудидagi нотариуслар фақатгина автотранспорт воситалари билан боғлиқ бўлган нотариал ҳаракатларни амалга ошириб, қолган нотариал ҳаракатларни амалга оширмаслиги мумкин. Натижада нотариусларнинг ихтисослашуви юзасига келиб бошқа турдаги нотариал ҳаракатларни амалга ошириш бўлиб тайинланганларида мазкур ҳолатлар уларнинг фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, нотариусларнинг узок вақт давомидa бир идорада ишлашлари натижасида уларнинг ушбу ҳудуддаги турли ташкилот вакиллари ва айрим фуқаролар билан мустаҳкам, доимий алоқалар ўрнатилишига олиб келади.

Бунинг афзалликлари томони, нотариус ушбу ҳудуддаги ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаши самараси юқори бўлиши ва бошқа ташкилотлар билан тушунмовчиликлар келиб чиқиш хавфи пастлигидандир.

Бироқ ушбу фактор нотариусларнинг (айрим ҳолатларда нотариус идоранинг бошқа ҳодимлари) турли ташкилот вакиллари ва айрим фуқаролар билан ҳамкорликдаги "мустаҳкам илдиш отган" коррупциявий гуруҳларнинг шаклланиши хавфини келтириб чиқаради.

Учинчидан, нотариусларнинг ротацияси юқоридаги салбий оқибатларнинг олдини олиш билан биргаликда, ҳодимлар ўртасидаги "манфаатлар тўқнашуви"ни бартараф этиш ҳамда нотариусларнинг соҳадаги малака ва иш тажрибасини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, турли нотариал идорада ва турли ҳудудларда ишлаётган нотариуслар, нафақат турли нотариал ҳаракатни амалга оширадиган, балки бошқа идорадаги янги ҳодимлар ва ана шу ҳудуддаги фуқаролар билан мулоқотда бўладилар. Бу эса нотариусларнинг фуқаролар билан ишлашдаги иш тажрибасини оширишга қўлмасдан, балки ана шу идорада янги иш тажрибасини орттириш ва, ўз навбатида, идоранинг бошқа ҳодимлари томонидан ҳам янги нотариусдан иш услубининг янги жиҳатларини ўрганиш имкониятини яратди.

Нотариусларнинг ихтисослашуви қуйидаги бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради:

— фуқаролар айрим нотариал ҳаракатларни ўзига яқин ва қўлай бўлган нотариусларда амалга ошира олмаслиги натижасида улар сарсон бўлади;

— айрим ҳаракатлар фақатгина муайян нотариуслар томонидан амалга оширилиши натижасида уларда фуқаролар навбатининг ошиб кетишига олиб келади. Фуқароларнинг узок кутуши эса уларга ноқулайлик туғдиради;

— фуқаролар бошқа нотариуслар хато ва камчиликка йўл қўйиши мумкин деб, айрим ҳаракатлар бўйича фақатгина муайян нотариусларга мурожаат қилиши натижасида кўплаб нотариуслар муайян

нотариал ҳаракатлар юзасидан етарли тажрибага эга бўлолмайди;

Энг асосийси, муайян турдаги нотариал ҳаракатларга ихтисослашган нотариал идораларда ишлаётган ҳодимлар (нотариус ёрдамчиси, нотариус стажёри, котиб) бошқа нотариал ҳаракатларни амалга ошириши натижасида улар нотариат соҳасида етарли иш тажрибасига эга бўлолмайди ва келгусида ушбу ҳодимлар нотариус бўлиб тайинланганларида мазкур ҳолатлар уларнинг фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, нотариусларнинг узок вақт давомидa бир идорада ишлашлари натижасида уларнинг ушбу ҳудуддаги турли ташкилот вакиллари ва айрим фуқаролар билан мустаҳкам, доимий алоқалар ўрнатилишига олиб келади.

Бунинг афзалликлари томони, нотариус ушбу ҳудуддаги ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаши самараси юқори бўлиши ва бошқа ташкилотлар билан тушунмовчиликлар келиб чиқиш хавфи пастлигидандир.

Бироқ ушбу фактор нотариусларнинг (айрим ҳолатларда нотариус идоранинг бошқа ҳодимлари) турли ташкилот вакиллари ва айрим фуқаролар билан ҳамкорликдаги "мустаҳкам илдиш отган" коррупциявий гуруҳларнинг шаклланиши хавфини келтириб чиқаради.

Учинчидан, нотариусларнинг ротацияси юқоридаги салбий оқибатларнинг олдини олиш билан биргаликда, ҳодимлар ўртасидаги "манфаатлар тўқнашуви"ни бартараф этиш ҳамда нотариусларнинг соҳадаги малака ва иш тажрибасини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, турли нотариал идорада ва турли ҳудудларда ишлаётган нотариуслар, нафақат турли нотариал ҳаракатни амалга оширадиган, балки бошқа идорадаги янги ҳодимлар ва ана шу ҳудуддаги фуқаролар билан мулоқотда бўладилар. Бу эса нотариусларнинг фуқаролар билан ишлашдаги иш тажрибасини оширишга қўлмасдан, балки ана шу идорада янги иш тажрибасини орттириш ва, ўз навбатида, идоранинг бошқа ҳодимлари томонидан ҳам янги нотариусдан иш услубининг янги жиҳатларини ўрганиш имкониятини яратди.

Алишер ЭРАНОВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими

ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР давлат органларига мурожаат этиш ҳуқуқига эга

ФУҚАРОЛАРНИНГ сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва шахсий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари муҳим аҳамият касб этади.

Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларидан бири бу — мурожаат қилиш ҳуқуқидир. Конституциямизнинг 35-моддасида "Хар бир шахс бевожита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, тақлифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда қриб чиқи-лиши шарт" эканлиги белгилаб қўйилган. 2014 йил 3 декабрда Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қону-

ни тасдиқланди.

Хўш, мурожаат этиш ҳуқуқи ўзи нима? "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ жисмоний ва юридик шахслар давлат органларига мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Мурожаат этиш ҳуқуқи ихтиёрий амалга оширилади. Ҳеч ким бирон-бир мурожаатни ҳимоя қилишга ёхуд унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас. Мурожаат этиш ҳуқуқининг амалга оширилиши бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини, шунингдек жамият ва давлат манфаатларини бузмаслиги керак.

Мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлади.

Мурожаатлар аризалар, тақлифлар ва шикоятлар тарзида берилиши мумкин.

Ариза — ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат.

Тақлиф — давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат.

Шикоят — бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат.

Мурожаатлар, уларнинг тури ва шаклидан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга. Мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда камситишга йўл қўймаслик мурожаат этиш ҳуқуқларининг кафолатларидан биридир.

Конституциямизнинг 18-моддасида "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мансобида қатъи назар, қонун олдида тенгдир-

лар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт" эканлиги кўрсатилган.

Мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда жисмоний шахснинг жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мансоби, шунингдек юридик шахсларнинг мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва бошқа ҳолатларига қараб камситишга йўл қўйилмайди.

Жисмоний ва юридик шахсларга давлат органларига яқка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланади.

Жисмоний шахснинг мурожаатида жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ва мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларидаги масалаларни ўз вақтида хал этилишини таъминлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Интернет тармоғидаги виртуал қабулхонаси ташкил этилди.

Эндиликда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари бузилганда ёки тадбиркорлик фаолиятида турли ноқонуний тўсиқлар юзасига келганда ўзи яшаб турган ёки фаолият юритаётган жойидан туриб **PM.gov.uz** порталига ёки **(800) 210-00-00, 1000** "Ишонч телефони"га мурожаат қилишлари мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Акмал ЖУМАГАЛДИЕВ,
Тошкент вилоят
адлия бошқармаси
масъул ходими

КОНСТИТУЦИЯ ВА ИНСОН ҳуқуқлари

ИНСОН ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ҳодимлари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.

Давра суҳбатидa инсон ва давлат, инсон ва жамият, шахс ва оиланинг ўзаро муносабатлари, уларни табиий равишда уйғунлаштириш Бош комусимиз пойдеворини ташкил этиши ва инсон ҳуқуқининг давлат ҳуқуқидан устуворлиги Конституциямизда белгилаб қўйилгани таъкидлаб ўтилди. Конституциямиз фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини борасида жаҳон конституциявий таърибасининг энг илғор жиҳатларини қамраб олган. Шу билан бирга, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатларнинг принципиал қондаларини ўзида мужассам этган ҳолда, Конституциямиз инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг эркинликларини давлат манфаатларидан устуворлигини мустаҳкамлади, одамларимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратиши ўзининг туб мақсади этиб белгилади.

Мустақиллиқнинг дастлабки даврида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Конституциямизда жамиятнинг мутелиқдан узил-кесил қутулиши, инсоннинг озод бўлиб, фаол фуқаролик мансоби-ни эгаллаши сари қўйилган муҳим амалий қадам бўлди. Бунинг натижасида одамларимизнинг тафаккури, дунёқарашини изчил ўзгарди. Айнан ушбу хусусиятлар ва ўзига хосликлар туфайли мамлакатимиз Асосий Қонунининг ҳаётий куч-қудрати, унинг юқори даражада амал қилиши таъминланмоқда.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг ижобий натижаларига бағишланган, Ўзбекистон Республикаси илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси томонидан тайёрланган "Агар сен ҳақ бўлсанг..." номли ҳужжатли фильм ҳам намоиш этилди.

Мадина ҲАМДАМОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

— **ДУСТИМНИНГ** уйда кўп микдорда спиртли ичимлик истеъмол қилиб, ўзимни бошқара олмайдиган даражада қаттиқ маст бўлиб қолдим. У эса аҳволимдан фойдаланиб ишлаб чиқариш корхонами вақтинча бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончномани менга имзолатиб олибди. Айтингчи, у билан тузилган битимни бекор қилишим мумкинми?

Рустам ВОСИҚОВ,
Тошкент вилояти
"Достон" х/к раҳбари

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

— Гарчи муомалага лаёқатли бўлса-да, бироқ битим тузиш вақтида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган ҳолатда бўлган фуқаро томонидан тузилган битим шу фуқаронинг ёки ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бундай битимни тузиш натижасида бузилган бошқа шахсларнинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилши мумкин.

Шунингдек, битим тузилгандан кейинчалик муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан тузилган битимни, агар битимни тузиш пайтида фуқаро ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмаганлиги ёки уларни бошқара олмаганлиги исботланган бўлса, унинг даъвосига мувофиқ суд ҳақиқий эмас, деб топиши мумкин.

Бундан ташқари, битим тузиш пайтида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмаган ёки уларни бошқара ол-

Саволга Янгийўл туман
4-сон давлат
нотариал идораси
нотариуси Розия ҚУРБОНОВА
жавоб берди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллиги олдидан

ИНСОН МАНФААТИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ҲУЖЖАТ

ЎТган йиллар давомида суд-ҳуқуқ тизими ислох қилиш соҳасида кенг қўламли ишлар амалга оширилганлигини эътироф этишимиз керак. Сўнгги йилларда янги тахрирдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги, шунингдек, "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги, "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа қўлаб қонулар ва қонуности ҳужжатлар қабул қилинди. Шу ўринда, албатта, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизими янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини юксалтириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастури белгиланганлигини таъкидлаш лозим.

Конституциямизнинг 11-моддасида Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этишчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принциплари асослангани белгиланганлигидир. Мазкур принцип ҳуқуқий давлат барпо этишга йўналтирилган бўлиб, юртимизда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилди. Зеро, ҳуқуқий давлатдаги ижтимоий ва сиёсий ҳаёт устидан давлат эмас, балки мазкур давлатда ўрнатилган тартиб, қонун, ҳуқуқ ҳукмронлик қилади. Бу эса "Қучли давлатдан — қучли фуқаролик жамияти сари" тамойилига тўлиқ мос тушади.

Мамлакатимиз Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги (13-модда), давлат инсон ва жамият фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий адолат ва қонунийликни қарор топтиришга хизмат қилиши (14-модда) каби тамойиллар мустаҳкамланган. Шунингдек, Конституциянинг 19-моддасида фуқаро ва давлат бир-бирига нисбатан ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқ эканлиги белгиланган. Шу боис, давлат халқ манфаатларига хизмат қилар экан, фуқаролар ҳам давлатнинг манфаатлари йўлида бирдамлик билан ўз ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда ҳаракат қилиши талаб этилади. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентини, Ислам Каримовнинг "Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришларнинг ҳал қилувчи омилли ҳақида гапирган-

да, аввало одамларимизнинг онгу тафаккурда рўй бераётган туб ўзгаришлар, уларнинг ён-атрофдаги воқеаларга муносабати, дахлдорлик ҳисси, сиёсий фаоллиги ва фуқаролик позицияси тобора ўсиб бораётганини таъкидлаш лозим" — деган фикрларини эслашимиз лозим.

Конституциямизнинг иккинчи бўлими бево-сита "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари", деб номланган бўлиб, унда инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий ҳуқуқлари, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари алоҳида боблар ва моддаларда мустаҳкамланган.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида сайлов қонунчилигига сайлов эркинлиги принциплари янада тўлиқ амалга оширишга оид меъёрлар киритилди. Хусусан, мамлакатимизда сайловларни янада демократик руҳда ўткази-лишни таъминлаш мақсадида Конституциянинг 117-моддасига сайловларни ўтказиш бўйича фаолиятнинг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошқоралик ва адолатлиликдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилиши ҳамда унинг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан сайланиши тўғрисидаги норма киритилди. Мазкур ўзгариш Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини бирор-бир давлат органи аралашувисиз, мустақил амалга оширишини қатъий белгиледи.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциямиз мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йўлида, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, юртимизда умуминсоний принцип-ларни амалга оширишнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Қахрамон ХОЛМУРОДОВ,
Сурхондарё вилоят
адлия бошқармаси бошлиғи



Шу билан биргаликда, Конституциямизда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғун ҳолда ифода этилиши унинг нафақат миллий экспертлар, балки хорижий экспертлар томонидан ҳам юксак баҳолалишига сабаб бўлмоқда.

Унинг мазмунига Инсон

ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг барча асосий қисмлари сингдирилган. Буни биз Конституция-мизнинг махсус "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари", деб номланган бўлимида инсоннинг шах-сий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий ҳуқуқлари, иқтисодий

дини, ижтимоий келиб чиқи-ши, эътиқоди, шахсий ва иж-тимоий мавқеидан қатъи на-зар, қонун олдидан тенг экан-ликларини белгиланганлиги. Бу конституциявий қоида 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси"-нинг 2-моддасига мос кела-ди.

Конституциямизга мувофиқ давлатимиз халқро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган прин-цип ва нормаларига риоя қилади, халқро шартнома-лар тузади ва уларни бажаради, қўлаб қўлуқчи халқро ташкилотларнинг фаолияти-да қатнашади. Ўзбекистон бошқа давлатлар билан бир-галикда умумий ва адолатли тинчликни, ўзаро фойдали халқро ҳамкорлиқни, инсо-ния олдидан турган глобал муаммоларни биргаликда ҳал қилишни таъминлаш учун куч-гайратини бағишлайди. Мус-тақиллик йилларида Ўзбеки-стон 500 дан ортиқ қўл томон-лама ва икки томонлама шартномалар ва битимлар тузди, инсон ҳуқуқларига оид 60 дан ортиқ муҳим халқро конвенциялар ва шартнома-ларга қўшилди.

Қисқа қилиб айтганда, Бош қонунимиз миллий давлатчи-лик ва унинг ижтимоий-сиё-сий тизимини яратиш, де-мократик тамойиллар асоси-да қурилган сиёсий ва иқти-содий тизимни шаклланти-ришнинг ҳуқуқий пойдевори-ни вазифасини ўтади. Энг му-ҳими, Конституциямизнинг са-лоҳияти, қоида ва нормалари ҳаётимизда тўлиқ намоён бўлмоқда.

Хусусан, қонун чиқарувчи ҳокимият тубдан ислох қилин-ди. Таркиб жиҳатидан асосан халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари вакиллари билан таш-кил топган юқори палата — Се-нат ҳудудлар манфаатларини ифода этмоқда, қуйи — Қонун-чилик палатаси эса ўз фаоли-ятини доимий профессионал асосда амалга ошираётти.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш ва либераллаштириш,

суд ҳокимиятининг мустақил-лигини таъминлашга алоҳида эътибор берилди. Бу йўна-лишда 60 дан ортиқ қонун қабул қилиниб, уларга муво-фиқ жазолашнинг жаҳонда энг инсонпарвар, либерал тизими яратилди, адвокатура институ-ти ислох қилинди, суд қарор-ларини ижро этиш тизими, прокуратура фаолияти тако-миллаштирилди. 2008 йил 1 январдан бошлаб мамлакатда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида, шунингдек, одил судловнинг "Хабеас корпус" ва Мираанда қоидалари каби де-мократик институтларни жорий этадиган, яъни фуқароларни қамолга олишга санкция бе-риш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисида-ги қонунлар ишлатилмоқда.

Ҳаёт ва тараққиёт бир жой-да тўхтаб қолмайди, албатта. Шубҳасиз, жамиятда барча муносабатлар муайян даража-да ўзгариб, ўзида замонавий талабларни акс эттириб бо-лади. Шу нуқтаи назардан кон-ституциямизга 2014 йилда ки-ририлган еттинчи ўзгариш ва қўшимчалар мамлакатимизда-ги амалга оширилаётган де-мократик ислохотларнинг му-ҳим босқичи бўлди.

Шунингдек, яна бир ўзгар-тиш Конституциянинг 117-мод-даси парламент томонидан ту-зиладиган, фаолиятнинг асо-сий принциплари мустақил-лик, қонунийлик, коллегия-лик, ошқоралик ва адолатли-ликдан иборат Ўзбекистон Республикаси Марказий сай-лов комиссиясининг консти-туциявий мақомига оид норма-лар билан тўлдирилди. Бу эса миллий сайлов тизимини де-мократик ҳуқуқий давлат қуриш, қучли фуқаролик жа-мияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган исло-хотларга ҳамроҳ равишда янада мустаҳкамлалишига хиз-мат қилди.

Восид ЭРГАШЕВ,
ТДЮУ кафедра
мудри, доцент,
Хушвақт ХАЙИТОВ,
ТДЮУ доценти, юридик
фанлар номзоди

Мезон

ОДИЛ СУДЛОВ МАДАНИЯТИ

МАНА чорак асрки, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари юртимизда олий қадрият сифатида эътироф келинади. Инсонийликнинг ушбу намунаси ҳозирда нафақат миллий қонунчилик, балки халқро меъёрларни ўзида жамлаган ҳуқуқий ҳужжат-

данияти, адолат ва одиллик меъёрлари хусусида кетар экан, бу борада судьянинг ўз касбий одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда судьялик этикасига қатъий амал қилиши муҳим аҳамият касб этишини доимо назарда тутмоқ даркор.

Адолатли судлов мадания-

баён этилган масалаларнинг юзага келиш сабаблари ва ҳолатлари юзасидан ўз шахсий фикрини ошкор этмасли-ки, унга баҳо бериш ёхуд тан-қидий мулоҳазаларини баён қилишдан эса доимо тийил-моқчи керак. Судда ҳар бир ҳолат, ҳатто иқир-чикир вази-ят ва воқеалар, арзimas лў-ма ва гап-сўзлар ҳам муҳока-ма марказига тушиши ва унинг объектига айланиши мумкин. Ҳатто шундай ҳоллар ҳам бўладики, судья судланув-чини суд қилса, одамлар су-дьянинг ўзини "суд" қилиша-ди. Судьяни бу каби мурак-каб вазиятлардан унинг кас-бий маҳорати билан бирга му-омала, мулоқот, одамлар би-лан тиллашиш бобидаги ис-теъдод ва салоҳияти, таъсир-чан нотиклик санъатига қў-қариб қола олади. Суд залла-рида тинчлик, сокинлик, осой-ишталик, ўзаро ҳурмат ва босиқ-вазминлик кайфияти ҳукм сурар экан, буни ҳам мажлиси бошқараётган суд-ьянинг билим ва маҳорати на-мунаси, деб қарамок лозим. Ўз касбий вазифасини адо этаётган, суд мажлисларини бошқараётган судьяга нисба-тан одамлар қалбида нотўғри ўй-фикрлар ниш урмаслиги, ҳалоллиги, поклиги, адолатли-лиги, беғаразлигига шубҳа-гумон уйғонмаслиги зарур. Башарти, одамлар қалбида шундай ғализ ва ноҳож ўй-фикрлар юзага келар экан, бунинг масъулиги доимо су-дьянинг гарданига тушади. Ҳатто, шундай ҳолатлар ҳам бўладики, судьянинг оддийги-на тadbиркорлик фаолиятига дахлдорлиги ҳам одамлар ўртасида қўлчила муҳокама-га сабаб бўлади ва охи-оқибат-да унинг обрў-этиборига соя солмай қолмайди. Судья ўз наватига оила аъзолари, суд даргоҳи ҳодимларининг одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этишлари устидан ҳам назор-ат ўрнатмоғи зарур. Ушбу мўътабар даргоҳдаги ҳар бир

ходим томонидан содир этил-ган ҳар қандай қўпол ёки да-ғал муомала ҳам мазкур жа-моа шаънига иснод келтира-ди. Судьялик шаъни ва нуфу-зи унинг кадр-қимматига пу-тур етказувчи шахсий алоқа-лардан ҳам тийилишини та-қозо этади.

Судьянинг масъуллиқ туйғу-си хизмат вазифасини намуна-ли ўташда доимо қўл келиши-ни турмуш аллақачон тасдиқ-лаган. Жиноят ишлари бўйича туман суди кейинги йиллар да-вомида суд этикаси, ахлоқ-одо-бига оид масалалар юзасидан эътироз ва норозиликларсиз ишлаётти. Шу аснода жорий йилнинг ўтган ойлари мобай-нида жами 103 нафар шахснинг ҳатти-ҳаракатлари бўйича суд-га келиб тушган 76 та жиноят ва 1059 нафар кишига нисба-тан қўзғатилган 772 та маъму-рий ҳуқуқбузарликка оид иш-лар қуриб чиқилиб, шу юзаси-дан ҳукм, қарор ва ажримлар-да ифодасини топган суд ҳуж-жатлари қабул қилинди. Фао-лият жараёнида ярашув инсти-тутини талабларни ҳамда шахсга нисбатан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораларини қўллаш диқ-қат-марказида турди. Ишга нисбатан масъуллиқ, камарбас-талиқ, дахлдорлик туйғуларини янада кучайтириш бу бора-даги натижаларни янада мус-таҳкамлашга олиб келади. Пи-ровард ният мамлакатимизда судлар обрўси ва нуфузини янада юксалтириш йўлида олиб борилаётган кенг қамров-ли саъй-ҳаракатларга муносиб улуш қўшиш, суд этикаси, су-дьянинг хизмат вазифаси, ахлоқ-одоби билан боғлиқ меъ-ёрлар, бурч ҳамда мажбурият-ларни намунали бажаришга нисбатан талабчанликни ҳар қачонгидан-да кучайтиришдан иборат.

Мақсудбек ҚИЛИЧЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Қўшқўри туман
суд раиси

2016 йил — "Соғлом она ва бола йили"

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТЛАР

МУСТАҚИЛЛИК йилларида мамлакатимизда жисмоний ва маънавий соғлом, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилиб, ушбу чора-тадбирларнинг ҳаётга изчил татбиқ этиш муҳим ва долзарб вазифа сифатида белгиланган. Хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашга мўлжалланган замонавий тиббий муассасалар фаолиятини яхшилаш, таълим тизимини такомиллашти-риш, болалар спортини ривожлан-тириш каби соҳалардаги ислохот-лар бир-бирини тўлдириб, ўзини ти-зим шаклини олди. Бугун замона-вий тиббий марказлари, таълим муассасалари, спорт иншоотлари ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Ўтиб бораётган 2016 йилга Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан мамлакатимизда "Соғлом она ва бола йили", деб ном берилгани ва бу борада алоҳида Давлат дастури қабул қилингани давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган амалий ҳаракатларнинг изчил давоми сифатида намоён бўлди.

Жумладан, 2016 йил 9 февралда тасдиқлан-ган "Соғлом она ва бола йили" Давлат дас-турида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, жамиятда оналар-га алоҳида ҳурмат-эҳтиром қўриштиш, барка-мол авлодни тарбиялаш, она институтини мус-таҳкамлашда давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучай-тиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар қўзда тутилган. Мамлакатимизда оналик ва бо-лаликни муҳофаза қилиш, соғлом бола туғили-шини таъминлаш, ҳар бир оилада соғлом тур-муш тарзини шакллантириш, ҳуқуқий ва тиб-бий, экологик маданиятни юксалтириш, ҳоми-ладор аёлларнинг ва никоҳдан ўтаётган ёшлар-нинг тиббий қўриғини сифатли амалга оши-риш, эрта туғуруқларни бартараф этиш, туғма ва ирсий касалликлар сонини камайтириш, по-лиликниқаларни замонавий ташхис қўиш ус-қуналари билан жиҳозлаш, ҳомиладор аёллар соғлигини ҳамда психофизиологик аҳолини ях-шилаш, ёш она ва болаларни тегишли тарзда парваришларини кучайтириш, уларнинг овқат-ланиш рақсонли сифати ва калориясини бойи-

тиш каби бир қатор муҳим вазифаларни амал-га ошириш қўрсатилган.

Шунингдек, Давлат дастурида она, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоялаш, ёшлар ҳуқуқ ва эр-кинликларини таъминлаш, она институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаш-тириш муҳим йўналишлардан бири қилиб бел-гиланган.

Жорий йил давомида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси юзасидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг "Ёшлар-га оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуни бу борада ўзига хос янги босқични бошлаб бер-ди. 2016 йил 15 сентябрда қўлга кирган мазкур Қонун ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий қоидаларини ўзида муҳасам этган.

Мазкур Қонун ҳужжатидида мустаҳкамлаб қўйилган ёшлар учун қўшимча кафолатлар, яъни бепул умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳуна таълими олиш, таълим муассасалари-да ўқишга имтиёзли кредитлар тақдим этиш ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Таълим муас-сасаларини битиргандан кейин ёшларнинг бандлигини таъминлаш, етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш, ёшларнинг дам олиш ва соғломлаштириш ташкилотлари ти-зимини ривожлантириш ҳамда бошқа шу ка-билар қамраб олинган. Қонунда муқофотлар, стипендиялар белгиланган таълим грандлари-ни тақдим этиш, фан, маданият ва санъат соҳасида ижодий устаконалар ва мактаблар-ни ташкил этишга қўмаклашиш, спорт секция-лари фаолиятини ташкил этиш қабилар ор-қали амалга ошириш мумкин бўлган истеъ-додли ёшларни давлат томонидан қўллаб-қув-ватлаш масалалари тартибга солинган.

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши она ва бола манфаатлари йўлида амалга оширила-ётган эзгу саъй-ҳаракатларнинг том маъно-даги мантиқий давоми бўлиб, юртимиз ёшлар-нинг ҳеч қимдан кам бўлмаган камол топи-шида ҳуқуқий асос вазифасини ўтади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда соғлом ва ҳар томонлама камол топган ав-лодни тарбиялаш каби эзгу ҳаракатлар йил ўтса-да, изчил давом этади, балки янги ва янада юксак босқичга қўтарилади. Зотан, она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахт-ли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади.

Умида ЖАЛИЛОВА,
Сирғали туман
ФХДБ бўлими mudirasi



лар билан ҳам кенг ҳимоя қилинапти. Зеро, халқро ҳуқуқий меъёрларнинг усту-ворлиги республикаимизда қонунчилик фаолиятини ри-вожлантириш ва такомил-лаштиришнинг асосий қоидаларидан бири сифа-тида эътироф этилган.

Шуни назарда туттиш ло-зимки, қонун устуворлиги, ин-сон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашдан тўғри, фуқаролик жамиятини барпо этиш хусусида ҳатто сўз ҳам юритиб бўлмайди. Ўзбе-кистон Республикасида суд-ларнинг ихтисослашуви ана шу олижаноб ниятни рўйба-га қилириш йўлида ташланган янада муҳим ва салмоқли қадамлардан бири бўлди. Ушбу стратегик тadbир ту-файли одил судловни амалга ошириш учун қўшимча кафо-латлар яратилди. Бу борада олиб борилаётган саъй-ҳара-катларда судья ва суд ҳоди-мларининг ўрни, роли янада катта ва салмоқли эканлиги-ни алоҳида таъкидлаш зарур. Гап судлов демократияси, ма-

Мамлакатимиз Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги (13-модда), давлат инсон ва жамият фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий адолат ва қонунийликни қарор топтиришга хизмат қилиши (14-модда) каби тамойиллар мустаҳкамланган. Шунингдек, Конституциянинг 19-моддасида фуқаро ва давлат бир-бирига нисбатан ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқ эканлиги белгиланган. Шу боис, давлат халқ манфаатларига хизмат қилар экан, фуқаролар ҳам давлатнинг манфаатлари йўлида бирдамлик билан ўз ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда ҳаракат қилиши талаб этилади. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентини, Ислам Каримовнинг "Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришларнинг ҳал қилувчи омилли ҳақида гапирган-

"Farg'ona mulk savdo" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида

Ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!
Савдога 1. Дангара тумани СИБ томонидан ФВХ судининг 01.08.2016 йилдаги №151-1607/14432-сонли икרו ҳужжати асосан хатланган, "Фарғона фермер хўжалиги"да сакланётган, 2001 йилда и/ч, д/б 42-73 ЕМ, "ТТ3 60" русумли трактор воситаси. Бошлангич баҳоси — 10 220 323 сўм.

2. Дангара тумани СИБ томонидан ФВХ судининг 01.08.2016 йилдаги №151-1610/15130-сонли икרו ҳужжати асосан хатланган, "Комсомо́л Маши́нзи́н Кала́каши́ Ферме́р хўжали́ги"да сакланётган, и/ч йили номалум, д/б йўқ, "Т-28" русумли трактор воситаси. Бошлангич баҳоси — 3 808 882 сўм.

3. Дангара тумани СИБ томонидан ФВХ судининг 27.07.2016 йилдаги №15-1606/13850-сонли икרו ҳужжати асосан хатланган, "Рўзқулово Оётебо" фермер хўжалигида сакланётган, и/ч йили номалум, д/б йўқ, "Т-28" русумли трактор воситаси. Бошлангич баҳоси — 11 843 634 сўм.

4. Фарғона тумани СИБ томонидан ЖИБ Қўвасой шаҳар судининг 13.04.2016 йилдаги №1-10218-сонли икרו ҳужжати асосан хатланган, "Мақсад Элита сервис" х/да сакланётган, и/ч йили номалум, д/б 40 S 993МА, "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 32 212 704 сўм.

5. Фарғона шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 02.03.2016 йилдаги №1-16816-сонли икרו ҳужжати асосан хатланган, "Фарғона термал савдо" МЧЖда сакланётган, и/ч йили номалум, д/б 40 S 526 LA, "Нексия-2" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 30 243 815 сўм.

7. Фарғона шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Фарғона туман судининг 26.10.2015 йилдаги №15-1768/15-сонли икרו ҳужжати асосан хатланган, "Фарғона термал савдо" МЧЖда сакланётган, и/ч йили номалум, д/б йўқ, "Муррей" русумли моторлангспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 1 188 722 сўм.

12. Фарғона шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Фарғона туман судининг 12.08.2016 йилдаги №1-39718-сонли икרו ҳужжати асосан хатланган, "Мақсад Элита сервис" х/да сакланётган, 1994 йилда и/ч, д/б 40 N 745 HA, "Kamaz" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 5 437 609 сўм.

9. Фарғона шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 27.06.2016 йилдаги №1-58116-сонли икרו ҳужжати асосан хатланган, "Фарғона шаҳар ИИБ хўжалик бўлими"да сакланётган, 2002 йилда и/ч, д/б 40 S 579 BA, "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 15 200 000 сўм.

10. Фарғона шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 11.03.2016 йилдаги №1-5116/16-сонли икרו ҳужжати асосан хатланган, "Мақсад Элита сервис" х/да сакланётган, 2008 йилда и/ч, д/б 40 S 535 AA, "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 26 514 774 сўм.

11. Фарғона шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошқоқ тумани судининг 08.08.2016 йилдаги №1-164-сонли икרו ҳужжати асосан хатланган, "Мақсад Элита сервис" х/да сакланётган, и/ч йили номалум, д/б 01 M 941 EA, "Лассети" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 46 539 605 сўм.

12. Фарғона шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Қўвасой шаҳар судининг 07.04.2016 йилдаги №1-8416-сонли икרו ҳужжати асосан хатланган, "Мақсад Элита сервис" х/да сакланётган, и/ч йили номалум, д/б 40 183 DA, "Shuangshu" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 7 886 295 сўм.

13. Фарғона шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 19.09.2016 йилдаги №1-19316-сонли икרו ҳужжати асосан хатланган, "Мақсад Элита сервис" х/да сакланётган, 1992 йилда и/ч, д/б 40 Y 679FA, "Kamaz-5312" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 16 752 650 сўм.

14. Фарғона шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 18.08.2016 йилдаги №1-323/16-сонли икרו ҳужжати асосан хатланган, "Мақсад Элита сервис х/д"да сакланётган, 1998 йилда и/ч, д/б 40 Y 127 GA, "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 16 752 650 сўм.

15. Дангара туман СИБ томонидан ФВХ судининг 19.07.2016 йилдаги №15-1605/13402-сонли икרו ҳужжати асосан хатланган, "Раҳмон от" фермер хўжалигида сакланётган, и/ч йили номалум, д/б йўқ, "Т-28ХМС1" русумли трактор воситаси. Бошлангич баҳоси — 13 535 581 сўм.

16. Дангара туман СИБ томонидан ФВХ судининг 19.07.2016 йилдаги №15-1605/13399-сонли икרו ҳужжати асосан хатланган, "Сўлтонов Иқбол" фермер хўжалигида сакланётган, 1979 йилда и/ч, 18-68 EA, "Т-28ХМС1" русумли трактор воситаси. Бошлангич баҳоси — 8 290 544 сўм.

17. Фарғона тумани СИБ томонидан ЖИБ Фарғона туман судининг 03.05.2016 йилдаги №1-19316-сонли икרו ҳужжати асосан хатланган, "9223 харбий қисми"да сакланётган, 1982 йилда и/ч, д/б йўқ, "Урал" русумли мотоцикл воситаси. Бошлангич баҳоси — 83 660 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 9 январь кунини соат 14:00 да бўлиб ўтади.
Талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача (13:00 дан 14:00 гача тушлик) қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишнинг охири мuddати: 2017 йил 6 январь соат 18:00.

Аукцион савдосига чиқариладиган мулк билан расмий иш кунлари соат 18:00 га қадар тегишли суд икרו бўлими вакили иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Шунингдек, 1.Қўн шаҳар СИБ томонидан ФИБ Қўн туманларо судининг 12.07.2016 йилдаги №4374-сонли икרו ҳужжати асосан хатланган, "Қўн шаҳар ИИБ"да сакланётган, 2006 йилда и/ч, д/б 40 Y 129 ТАА, "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 25 375 470 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 23 декабрь кунини соат 14:00 да бўлиб ўтади.
Талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача (13:00 дан 14:00 гача тушлик) қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишнинг охири мuddати: 2016 йил 21 декабрь соат 18:00.

Аукцион савдосига чиқариладиган мулк билан расмий иш кунлари соат 18:00 га қадар тегишли суд икרו бўлими вакили иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Савдо қилишда деб топилган шахста 5 (беш) банк иш ичида мулкнинг сотиб олиш қиймати "Савдо ташкилотчилиги" ҳисоб рақамига тўлиқ тўлаш мажбурияти юклатилган. Савдода иштирок этиш учун ариза (буыртманом), закатлат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Савдода иштирок савдо ташкилотчилиги билан тузиладиган закатлат қилишга асосан мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатлат пули "Farg'ona mulk savdo" МЧЖнинг "Трастбанк" Фарғона филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: МФО: 01123. СТИР: 303823262, х/р: 2260400060596714001.

Аукцион савдоси 2017 йил 9 январь кунини соат 14:00 да бўлиб ўтади.
Талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача (13:00 дан 14:00 гача тушлик) қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишнинг охири мuddати: 2016 йил 21 декабрь соат 18:00.

